



THE PRACTICAL SIGNIFICANCE OF DIGITALIZING THE SYSTEM FOR THE ENFORCEMENT OF COURT DECISIONS AND OTHER AUTHORITIES' DOCUMENTS

Khokimjon A. Ikromov

Independent researcher of the Law Enforcement

Academy of the Republic of Uzbekistan,

ikromovmib@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Bureau of Compulsory Enforcement, digitalization, artificial intelligence, state enforcement officer, automation of enforcement of executive documents, digital technologies, regulatory legal acts.

Received: 20.01.26

Accepted: 21.01.26

Published: 22.01.26

Abstract: This article discusses issues related to the digitalization of certain enforcement actions during the execution of court decisions and documents of other authorities, the broad implementation of artificial intelligence technologies in the enforcement process, and improving efficiency by minimizing human involvement through the extensive use of digital technologies, electronic platforms, and information systems in ensuring the execution of documents. As a result of the digitalization of enforcement actions, the article examines the need to amend existing regulatory legal acts and adopt them in a new edition. Based on the analysis, proposals are put forward regarding certain enforcement actions that can be carried out without the involvement of state enforcement officers and concerning the regulatory legal act that needs to be adopted in a new version.

СУД ХУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ХУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Хокимжон А. Икромов

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза

қилиш академияси мустақил изланувчиси,

ikromovmib@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Мажбурий ижро бюроси, рақамлаштириш, сунъий интеллект, давлат ижрочиси, ижро ҳужжатлари ижросини автоматлаштириш, рақамли технологиялар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Аннотация: Мазкур мақолада суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида айрим ижро ҳаракатларини рақамлаштириш, ижро жараёнига сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш, ҳужжатлар ижросини таъминлаш жараёнида рақамли технологиялар, электрон платформалар ва ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш орқали инсон омилини минималлаштириб, самарадорликни янада ошириш масалалари ҳақида фикр юритилган. Ижро ҳаракатларининг рақамлаштирилиши натижасида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш орқали уларни янги таҳрирда қабул қилиш масалалари кўриб чиқилган. Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда давлат ижрочилари аралашувисиз амалга ошириш мумкин бўлган айрим ижро ҳаракатлари ва янги таҳрирда қабул қилиш лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўйича таклифлар илгари сурилган.

ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ СИСТЕМЫ ИСПОЛНЕНИЯ СУДЕБНЫХ АКТОВ И ДОКУМЕНТОВ ДРУГИХ ОРГАНОВ

Хокимжон А. Икромов

Самостоятельный соискатель Правоохранительной академии Республики Узбекистан

ikromovmib@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Бюро принудительного исполнения, цифровизация, искусственный интеллект, государственный исполнитель, автоматизация исполнения исполнительных документов, цифровые технологии, нормативно-правовые акты.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы цифровизации отдельных исполнительных действий в процессе исполнения судебных актов и документов других органов, широкого внедрения технологий искусственного интеллекта в исполнительное производство, а также повышения эффективности за счёт минимизации человеческого фактора посредством широкого использования цифровых технологий, электронных платформ и информационных систем при обеспечении исполнения документов. В результате

цифровизации исполнительных действий анализируются вопросы внесения изменений в действующие нормативно-правовые акты и принятия их в новой редакции. На основе проведённого анализа выдвинуты предложения по осуществлению отдельных исполнительных действий без вмешательства государственных исполнителей и по нормативно-правовому акту, который необходимо принять в новой редакции.

Кириш. Суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини рақамлаштириш ҳамда соҳага сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш орқали уларнинг ижросини таъминловчи давлат ижрочиларининг иш юқламасини камайтириш суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш ва самарадорликни оширишнинг асосий шартларидан ҳисобланади.

Бир қатор ривожланган давлатларда автоматлаштириш жараёнлари сунъий интеллект, маълумотлар базаси интеграцияси ва рақамли платформалардан фойдаланиш асосида амалга оширилмоқда.

Ушбу масала ижро ҳужжатлари ижросини таъминлашда юқори даражадаги самарадорликни таъминлаш билан бирга, соҳада шаффофлик кўлами ошишига, жараёнда инсон омили камайишига ҳамда ижро билан боғлиқ харажатлар сезиларли даражада камайишига хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича халқаро миқёсдаги ўрнини ошириш мақсадида бошқа соҳалар билан бир қаторда ижро иши юритиш соҳасига ҳам ушбу технологияларни кенг жорий этиш ходимларнинг иш юқламасини камайтириш ва ижро иши юритишдаги тарафларни (қарздор ва ундирувчи) ижро иши юритиш жараёнидаги ҳолатлар ҳақида тезкор хабардор қилиш имконини беради.

Тадқиқотнинг усуллари. Айрим ижро ҳаракатларини автоматлаштириш ва ижро иши юритуви соҳасига сунъий интеллект технологияларини жорий этишнинг илғор ечимлари ва ишланмаларини ўрганиш мақсадида хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Мисол учун, Полша Республикасининг Суд ижрочилари миллий кенгашида суд ижрочилари (Komornik sądowy) учун сунъий интеллект ва машинавий ўқитиш технологиялари ёрдамида “mKomornik” дастури яратилган бўлиб, ушбу дастур:

– суд ва бошқа ваколатли органлар ҳужжатлари бўйича ижро иши юритувини кўзғатиш, белгиланган талабга жавоб бермайдиган ижро ишларини автомат равишда қайтариш;

– суд ижрочилари учун биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган устувор вазифаларни саралаб бериш;

– суд ижрочилари учун тамомланиши мумкин бўлган ижро ишларини ажратиб бериш вазифаларини бажариб келмоқда.

Хукукий давлатни барпо этиш ва жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда суд ва бошқа ваколатли органлар ҳужжатларини ўз вақтида ва тўлиқ ижро этиш катта аҳамият касб этади.

Қарорлар ижроси фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш, адолатни юзага келтириш ҳамда қонунни ҳимоя қилишнинг асосий қафолатларидан бири ҳисобланади.

Шу боис, ушбу йўналишда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш ва ижро жараёнини янада такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масала бўлиб қолмоқда. Хусусан:

1) Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 37-моддасига асосан ижро иши юритувидаги ундирувчи ёки қарздор вафот этганда, у вафот этган деб эълон қилинганда, агар суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг ҳужжатида қўйилган талаблар ёки мажбуриятлар ҳукукий ворисга ёки бедарак йўқолганнинг мол-мулкни ишончли бошқариб турган шахсга ўтиши мумкин бўлмаса ижро иши суд томонидан тугатилади.

Бироқ амалиётда ушбу жараён кўп вақт талаб қилиб, нафақат давлат ижрочиларининг иш ҳажми ортишига, балки, ортиқча қоғозбозлик орқали иш олиб бориш судларда ҳам иш юкламасини ортишига сабаб бўлмоқда.

Судларнинг иш ҳажми юқорилиги сабабли бу турдаги ишлар 10 кундан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилмоқда.

2) Тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларини ўтказиш учун суд томонидан тайинланадиган суд бошқарувчилари (муваққат бошқарувчи, санация бошқарувчиси, ташқи бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси, молиявий бошқарувчи) ва Мажбурий ижро бюроси ўртасида электрон ҳамкорлик йўлга қўйилмаган. Барча маълумот алмашинуви қоғоз шаклда амалга оширилмоқда.

Мажбурий ижро бюросининг таҳлилларига кўра, 2025 йилнинг ўтган 10 ойда банкротлик билан 56 мингта ижро ишлари тамомланиб, ҳужжатлар суд бошқарувчиларига қоғоз шаклида юборилган.

3) Барчага маълумки, муайян соҳага сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ва олиб бориладиган рақамлаштириш ишлари катта маълумотлар базаси яъни катта ҳажмли сервер қурилмаларга эга бўлишни талаб этади.

Катта ҳажмли серверлар эса ўз навбатида катта маблағни талаб этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда айти бир маълумотни катта ҳажмли файл туридан унинг сифатини ўзгартирмаган ҳолда кичик ҳажмни эгалловчи файл тури орқали сақлаш ва фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хусусан, бугунги кунда Мажбурий ижро бюросига судлар ва бошқа ваколатли органлар томонидан юборилаётган қарорлар катта хотира майдонини эгалловчи PDF файл тури орқали юборилаётган бўлиб, ушбу форматни ўзгартириш орқали сервер хотира майдонларини тежаш ва уларни бошқа зарур мақсадларда фойдаланиш имконияти мавжуд.

Бу борада хорижий мамлакатлардан Россия Федерацияси, Эстония, Финляндия, Германия каби давлатлар PDF файл туридан воз кечишган бўлиб, улар ўз миллий ижро тизимларида XML (eXtensible Markup Language) файл туридан фойдаланиб келишмоқда.

4) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 08.07.2009 йилдаги 157-сонли “Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки бошқа шахслар томонидан ижро ҳужжатларини ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғига асосан тасдиқланган “Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки бошқа шахслар томонидан ижро ҳужжатларини ижро этиш қоидалари” бугунги кун талабларига мос келмайди.

Мазкур Қоидаларда қайд этилган нормаларнинг аксарият қисми ҳужжатлар ва рўйхатга олиш китобларини қоғоз шаклда юритиш қоидаларини белгилаб берган бўлиб, уларни бугунги рақамлаштирилган ижро тизимидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш ёки янги таҳрирда қабул қилиш зарурати мавжуд.

Натижалар. Тадқиқот иши мобайнида олиб борилган таҳлил ва тўпланган маълумотларлар асосида давлат ижрочилари томонидан анъанавий усулларда олиб борилаётган айрим ижро ҳаракатларини қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритган ҳолда ахборот тизими орқали рақамлаштириш бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1) Ижро иши бўйича қарздор вафот этганда ва унинг номида мол-мулк аниқланмаганда ижро ишлари бўйича юритилган ижро ишларини давлат ижрочисининг қарори билан тугатиш амалиётини жорий этиш ва жараёни тўлиқ автоматлаштириш таклиф этилади.

Бунда, вафот этган қарздорларнинг мол-мулки мавжуд бўлса, ижро ишини суд томонидан тугатиш амалиёти сақлаб қолинади.

Ушбу жараёни автоматлаштириш учун қуйидаги ўзгартиришларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 37-моддасига ўзгартириш киритиш орқали номида мол-мулки аниқланмаган қарздор вафот этганда ижро иши давлат ижрочиси томонидан тугатилишини белгилаш;

- жараёни автоматлаштириш учун Мажбурий ижро бюроси ва рўйхатдан ўтказувчи ташкилотлар ўртасида йўлга қўйилган амалдаги интеграция орқали қарздорлар номидаги мол-мулк аниқланмаганда ҳамда Мажбурий ижро бюроси ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идоралари ўртасида йўлга қўйилган амалдаги интеграция доирасида ижро иши юритиш жараёнида қарздор вафот этганлиги аниқланганда – “МИБ-Портал” дастури томонидан қарздорга нисбатан қўлланилган чеклов ва тақиқлар автомат равишда бекор қилиниб, ижро иши “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг

37-моддасига асосан автомат равишда тугатилиши тизимини ишлаб чиқиш.

Қайд этилган жараённинг юқорида келтирилган тартибда автоматлаштирилиши давлат ижрочилари ва суд ходимларининг иш ҳажми камайишига хизмат қилиб, уларнинг фаолиятини соддалаштириш, ресурсларни тежаш ва ижро билан боғлиқ жараёнларни тезлаштириш билан бирга, уларда реал ундирув амалга ошириш мумкин бўлган ижро ҳужжатлари ижросини таъминлашга етарли вақт бўлишига замин яратилади.

2) Тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларини ўтказиш учун суд томонидан тайинланадиган суд бошқарувчилари (муваққат бошқарувчи, санация бошқарувчиси, ташқи бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси, молиявий бошқарувчи) ва Мажбурий ижро бюроси ўртасида электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш таклиф этилади.

3) Мажбурий ижро бюросига судлар ва бошқа ваколатли органлар томонидан юборилаётган қарорлар катта хотира майдонини эгаллаётгани ва бу ўз навбатида катта маблағ талаб этаётганлиги сабабли ваколатли органлар ва Бюро ўртасида маълумот алмашинувини PDF файл туридан XML (eXtensible Markup Language) яъни “Кенгайтириладиган белгилаш тили”га ўзгартириш таклиф этилади.

Бугунги кунда Россия Федерацияси, Эстония, Финляндия, Германия каби ривожланган давлатларнинг миллий мажбурий ижро тизимларида XML форматидан фойдаланиш суд ва ижро органлари ўртасида автоматлаштирилган, хавфсиз ва стандартлаштирилган электрон ҳужжат алмашинувини таъминламоқда.

4) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 08.07.2009 йилдаги 157-сонли “Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки бошқа шахслар томонидан ижро ҳужжатларини ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғига асосан тасдиқланган “Қарздор жисмоний

шахсга иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки бошқа шахслар томонидан ижро ҳужжатларини ижро этиш қоидалари”ни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда янги таҳрирда қабул қилиш таклиф этилади.

Мисол учун, қоидаларнинг 7-бандида “Суд ижрочиси қарздорнинг иш, ўқиш, пенсия ва бошқа даромадлар олиш жойи ҳақида қўшимча маълумот олиш учун қарздорнинг яшаш жойидаги Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг филиалига ягона маълумотлар базасидан жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги қарздорнинг шахсий ҳисоби бўйича махсус маълумотни олиш учун сўровнома юборади”, - деб кўрсатилган бўлиб, ушбу бандни Мажбурий ижро бюроси ва Халқ банки ўртасида йўлга қўйилган амалдаги интеграциядан келиб чиққан ҳолда “Рақамлаштирилган ахборот тизими қарздорнинг иш, ўқиш, пенсия ва бошқа даромадлар олиш жойи ҳақида Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг ягона маълумотлар базасидан жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги қарздорнинг шахсий ҳисоби бўйича маълумотни электрон тарзда реал вақт режимида олади”, - деб ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

Ёки, 7-банднинг 2-қисмидаги:

“Мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган маълумотлар олинганидан сўнг, суд ижрочиси ундирувни қарздорнинг бошқа даромадларига қаратиш тўғрисида қарор чиқаради, кейинчалик талабномага қуйидагиларни илова қилган ҳолда юборади:

ундирувни қарздорнинг бошқа даромадларига қаратиш тўғрисидаги қарор;

ижро ҳужжатининг нусхаси” нормасини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

“Талабнома, ундирувни қарздорнинг бошқа даромадларига қаратиш тўғрисидаги қарор ва ижро ҳужжати рақамлаштирилган ахборот тизими орқали электрон тарзда солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади.

Солиқ тўловчининг шахсий кабинети активлаштирилмаган ташкилотларга қоғоз шаклда почта ёки курьерлик хизмати орқали юборилади”.

Бундан ташқари, ушбу буйруқда ундирув иш ҳақида қаратилган қарздорлар бўйича рўйхатга олиш китоби юритилиши нормасини бугунги кунда автоматлаштирилган ахборот тизими орқали юритиш имкони мавжудлиги сабабли, Қоидаларнинг 7.1-бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

“Ундирув қарздорнинг иш ҳақида қаратилган ижро ҳужжатлари бўйича назоратни таъминлаш мақсадида Бюронинг туман (шаҳар) бўлимларида ундирув иш ҳақида қаратилган шахслар Реестри рақамлаштирилган ахборот тизими орқали электрон тарзда юритилади.”

Хулоса. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ўз вақтида ва тўлақонли ижро этиш – ҳукукий давлат ва адолатли жамиятнинг асосий шартларидан биридир.

Ушбу йўналишдаги ислохотларни замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект алгоритмлари орқали янада чуқур амалга ошириш – ундирувчилар ҳуқуқларининг кафолатли ҳимояси бўлиш билан бир қаторда, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашда катта ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://president.uz/uz/lists/view/8582>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.10.2024 йилдаги “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-358-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.10.2024 й., 07/24/358/0825-сон;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратadbirlari тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.10.2020 й., 06/24/185/0944-сон;
4. <https://president.uz/uz/lists/view/8582>
5. Эстония Республикасининг “Ижро иши юритиш тўғрисида”ги Кодекси
6. Молдова Республикасининг Ижро Кодекси // Электрон манба: https://continent-online.com/Document/?doc_id=30395643
7. Italian Code of Civil Procedure. Book Four Title VIII Arbitration¹. Электрон манба:
8. Ҳамидов А.О. Суд қарорлари ижросини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш масалалари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2024.